

Қилмиш ЖК 164-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди томонидан М. ва И. ЖК 164-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганлар.

Жиноят иши апелляция тартибида кўрилиб, ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш материалларидан кўринишича, М. ва И. жиноий шериклари билан биргаликда фуқаро Д.нинг йўлини тусиб, унга нисбатан жисмоний куч ишлатиб, унинг 20.000 сўм пулини тортиб олганлар.

Суд М. ва И.ларнинг жиноий ҳаракатларини ЖК 164-моддаси 2-қисмининг «б» банди билан нотўғри квалификация қилган.

ЖК 164-моддаси диспозициясига кўра, қилмишни босқинчилик жинояти деб баҳолаш учун айбдор жабрланувчига ҳужум қилиб, унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатган ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитган бўлиши керак.

М., И. ва уларнинг жиноий шериклари гарчи жабрланувчининг йўлини тўсиб ундан пул талаб қилганликлари иш материаллари билан тасдиқланган бўлсада, бироқ унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатганликлари ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитганликларини бирон-бир объектив далил билан тасдиқланмаган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раёсати юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, М. ва И.ларнинг ҳаракатларини ЖК 164-моддаси 2-қисмининг «б» бандидан ЖК 166-моддаси 2-қисмининг «а,в» бандларига қайта квалификация қилган.